Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
29 январь
ЧОРШАНБА
№ 9 (13270)

@haqiqatonline

ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

бунёдкорлик имкониятларини янада кенгайтирмоқда

Сўнгги йилларда мамлакатимиз катта бунёдкорлик майдонига айланган. Қаерга борманг, янги ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар, муҳташам тураржойлар, йўл ва кўприклар барпо этилаётганига кўзингиз тушади. Шахсий ҳовлижой эгалари ҳам уйларини ташқи ва ички томондан безашга катта аҳамият беришмоқда. Бу ўз-ўзидан қурилиш материалларга бўлган талабни оширмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, вилоятимиз ҳудудида ҳам қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқараётган турли корхоналар кўпаймоқда. Яқинда Қуйи Чирчиқ туманида иш бошлаган "Sandiron ceramic" масъулияти чекланган жамияти деворбоп ва ташқи безак учун қўлланиладиган пресланган ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

– Корхонага Хитой ва Украинадан келтирилган юқори унумли технологик линияларни ўрнатдик, – дейди корхона директори Фурқат Абдусатторов. – Маҳсулотни тўлиқ автоматлаштирилган дастгоҳларда тайёрлаяпмиз. Бу, албатта, маҳсулотнинг сифатини таъминлайди.

Пресланган ғишт ишлаб чиқариш учун оҳактош парчалари уч босқичда майдаланиб, цемент ва сув қўшилади. Тайёр бўлган қоришмага ранг берувчи махсус бўёқ қўшилгач, тинимсиз аралаштирилади. Сўнгра қоришма қолипларга қуйилиб, юқори босимда эзилади. Оддий ғиштдан фарқли ўлароқ, пресланган ғиштга лой ишлатилмайди. Бу – уни юқори даражада печда пишириш шарт эмас, дегани. Демак, ишлаб чиқарувчилар газ ва электр энергиясини тежаб ҳам фойда кўрадилар. Буюртмага кўра, ғиштлар харидор истаган рангда тайёрлаб берилади. Муҳими, кўпроқ ташқи безак учун ишлатиладиган бу ғиштлар ўта сифатли ва совуққа чидамлилиги билан харидорларда қизиқиш уйғотмоқда.

Лойиҳавий қиймати 8 млрд. 800 млн. сўм бўлган корхонада бугунги кунда 35 киши меҳнат қилмоқда. Ишчиларга икки маҳал бепул иссиқ овқат, махсус уст-бош берилади. Шунингдек, ишга келиб-кетишлари учун транспорт ҳам ажратилган. Корхонадаги шароитлар ҳақида эшитганлар бошқа туманлардан ҳам қатнаб ишлашмоқда.

– Замонавий ускуналарда ишлашни дарҳол ўзлаштириб олдим, – дейди Янгийўл туманилик ёш оператор Жамшид Қолдибоев. – Хорижлик мутахассислар ёрдам беришди. Ҳозир ўзим ҳам янги келган тенгдошларимга қоришмани пресслаб ғиштга айлантиришни ўргатаяпман.

Корхона мутасаддилари кўрилган фойда эвазига цемент ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

К. САЛОМОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

Тошкент вилояти ҳокимининг

ҚАРОРИ

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг иккинчи сессияси 2020 йил 29 январь куни соат 11:00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими **Р. ХОЛМАТОВ**

Нурафшон шаҳри, 2020 йил 27 январь

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА САЛМОҚЛИ ҚАДАМ

Қишлоқ хўжалиги беқиёс имкониятларга бой соҳа ҳисобланади. Бозорларимиз файзу баракаси, ҳаётимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан соҳа ривожига боғлиқ.

Фармон ва ижро

Шу боис, сўнгги йилларда аграр соҳани тубдан ислоҳ этиш, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, соҳани ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилаётганди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 23 октябрь куни имзоланган "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони бу борада мутлақо янги даврни бошлаб берди.

Янги стратегияга кўра, соҳада бозор тамойиллари кенг жорий этилиб, сифат назорати инфратузилмаси яхшиланади. Ўн йил мобайнида қишлоқ хўжалиги бошқарувида давлат иштироки камайтирилиб, пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлат иштирокидан босқичма-босқич воз кечилади. Шунингдек, маҳсулот етиштирувчи билан қабул қилувчи ўртасида маҳсулот ҳажмига қараб шартнома тузиш тизими йўлга қўйилади. Яқин келажакда фермерларимиз ернинг турига қараб нима экин экишни ўзи танлайдиган бўлади.

Давоми 2-бетда

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини эътибор билан тингладим. Хаёлимдан инсон доимо ҳақиқатга тик қараб, ватанпарвар бўлиб, яшаши керак, деган фикрлар ўтди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Президентимизнинг тарихий аҳамият касб этган маърузасида турли соҳалар фаолияти кенг таҳлил қилиниб, учраётган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари аниқ-равшан белгилаб берилди. Чунки, Мурожаатномада кўтарилган масалалар, белгилаб берилган устувор вазифалар ўзининг мазмунмоҳиятига кўра халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан жорий йилни "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниши халқимиз қатори касаба уюшмалари тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходимни руҳлантириб юборди.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон одимлари

ЙЎЛИМИЗ МАШАҚҚАТЛИ, БИРОҚ МАНЗИЛИМИЗ ЁРУҒ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар, ҳаётий мушоҳадалар, халқимиз турмушини янада фаровонлаштириш ва мамлакатимизни барқарор ривожлантириш борасидаги муҳим ташаббуслар юртдошларимиз томонидан қизғин қарши олинди. Бугун қай бир даврада бўлманг, пок ниятли, эзгу мақсадли замондошларимиз мазкур тарихий чиқишда илгари сурилган янгиликлар қувончини бир-бирлари билан бўлишмоқда, фикр алмашмоқда. Энг муҳими, уларда ислоҳотлар маромига ажиб бир қизиқиш, шахсий дахлдорлик ҳисси кучайган.

Вилоятимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларида масъул вазифаларда хизмат қилаётган бугунги суҳбатдошларимизнинг бу борадаги фикрлари ҳам газетхонларимизни бефарқ қолдирмайди.

2

ҚИРҚ ЙИЛДА ЯНГИ БЎЛДИ

Шаҳарда бир йўла икки йирик иншоот фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати хабар бермоқда.

Янгийўл томонларда...

Бундан қарийб қирқ йил илгари бунёд этилган шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси ниҳоятда абгор ҳолга келиб қолган эди.

Мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари билан "Мевазор" маҳалласида қайтадан қад ростлаган поликлиника мукаммал таъмирдан чиқарилди ва бир кунда 1 минг 680 нафар фуқарога хизмат қилиш имконияти яратилди.

Мазкур тиббиёт масканига зарур замонавий ускуналар ўрнатилди. Бу ускуналар фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифатини янада яхшилайди.

Тиббиёт масканида 130 нафар олий тоифали шифокор ва 300 нафардан ортиқ тиббий ходимлар 240 минг нафар шаҳар ва туман аҳолисига хизмат кўрсатади.

Шунингдек, шаҳар халқ таълими бўлими биноси ҳам қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Бинонинг очилиш маросимида шаҳар ҳокими Ф. Мирзаев ва ҳудуд жамоатчилиги иштирок этди. Меҳмонлар бинода яратилган шароитлар, замонавий жиҳозлар имкониятлари билан танишишди.

Тадбир доирасида икки авлод вакиллари иштирокида давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Бизнес саёҳат

"Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси Оҳангарон тумани бўлими ташаббуси билан 48-умумтаълим мактабининг 10, 11-синф ўқувчилари ва вақтинча ишсиз ёшлар иштирокида "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудида жойлашган "CHICKEN MEAT LINE" масъулияти чекланган жамиятига бизнес саёҳат ташкил этилди, дея хабар беради туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

ЁШЛАР КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ

Ёшлар дастлаб корхонадаги иш жараёни билан танишдилар. Корхона раҳбари Ғайрат Мўминов ўқувчилар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, тадбиркорлик тажрибаси билан ўртоқлашди, ёшларга керакли маслаҳат ва тавсиялар берди. Шунингдек, ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишлари давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланаётгани, эндиликда улар режаларини чўчимай амалга оширишлари учун барча шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Суннат САПАРАЛИЕВ олган сурат

ЭРКАКЧА ТАРБИЯ ОИЛАДА КЕРАК, МАКТАБДАЧИ?

Оталар, шубҳасиз, тарбиянинг ярми дегани. Хўш, эркак ўқитувчилар нега таълимнинг ярмини ташкил этмаслиги керак?

4

Янги Ўзбекистон одимлари

Озода ПАРПИБОЕВА, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

– Жамият эртасини ҳал этувчи баркамол авлод шаклланишининг энг муҳим омили ва устуни бўлган зебо қизларимизга олий таълим олишда турли қўшимча имтиёзлар яратиш масаласи Президентимиз Мурожаатномасидан ўрин олгани юртимиздаги миллионлаб опасингилларимизни бениҳоя мамнун этгани аниқ.

Ҳар қандай демократик жамиятда аёлнинг ўз ўрни бўлганидек, унинг таълимга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, жамиятдаги фаоллигини ошириш, яна ҳам аниқроқ айтганда, аёлга ишониш, унга имкон бериш, керак бўлса, давлат ва жамият ҳаётига доир энг муҳим масалаларда унга суяниш давлат сиёсатининг нечоғлиқ инсонпарварлик ва эзгулик тамойилларига асосланганлигининг муҳим мезони бўла олади. Бугун ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси келгусидаги иш режаларини, қизларни олий таълим, тадбиркорликка йўналтириш, шунингдек, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларини ҳозирламоқда. Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишлар натижаси ўлароқ, келажакда, нафақат билимли кадрлар, балки маърифатли оналар ҳам етишиб чиқиши турган гап. Онада маърифат бўлса, оилада маърифат бўлади, фарзандлар таълим-тарбияси ҳам биз кутгандек натижа беради.

Мен Мурожаатномадаги биргина жиҳатга тўхталдим, холос. Аслида, Юртбошимиз томонидан қўйилган ҳар бир масаланинг илдизи бақувват, унинг замирида эртани ўйлаш, узоқни кўзлаш ибрати ва ташаббуси мужассам.

Азамат КАМАЛОВ, вилоят ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича котибият мудири:

– Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини катта ҳаяжон билан тингладим. Энг биринчи хулосам шуки, юртимизда таълим, илм-фан, ижтимоий соҳалар ва улар кесимидаги тизимларни тубдан янгилаш ва юксалтиришнинг тарихий фурсати етилибди.

2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" дея ном берилиши ҳам Янги Ўзбекистонимизда том маънода билим олишга эътибор беқиёс даражада ортганидан, ёшлар орасида ҳам таълим савиясини узлуксиз ошириб борилишига талаб кучайганидан дарак беради, албатта.

Одатда, маънавий-маърифий соҳа вакиллари, ўқитувчи ва педагогларнинг биринчи навбатдаги вазифаси баркамол авлодни, зиёлилар қатламини шакллантирмоқ бўлган. Мурожаатномадан кейин шу нарса ойдинлашдики, йигирма биринчи асрда маънавий-маърифий йўналишлардаги ислоҳотлар ҳам замон билан ҳамнафасликда кечиши, унинг шитоби ва маромига, керак бўлса, зарбаларига дош бера оладиган мутлақо янгича тусда ривожланиши шарт. Бинобарин, Юртбошимиз нутқида шарқ донишмандларининг: "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир" деган фикрлари алоҳида қайд этилди. Шу сабабли, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Айни пайтда дунёнинг ҳар қандай мамлакатида энг керакли соҳалардан бири сифатида тан олинган рақамли иқтисодиётга ёшларни жалб қилиш ва келажакда улардан етук кадрлар етишиб чиқишини таъминлаш ҳам асосий вазифалардан биридир. Мана кўрасиз, Мурожаатномада ўртага ташланган ташаббуслар ва турли соҳаларга оид танқидий-таҳлилий мушоҳадалар яқин келажакда, албатта, ўз меваларини беради!

ЙЎЛИМИЗ МАШАҚҚАТЛИ, БИРОҚ МАНЗИЛИМИЗ ЁРУҒ

Жонибек ТАНГМАТОВ, Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг девонхона мудири:

– Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасидан сўнг ҳар ким ўзига тегишли хулоса, сабоқ ва вазифалар белгилаб олгани аниқ. Шахсан ўзим ушбу Мурожаатномадан сўнг коррупцияга қарши курашнинг янги услубларини ўрганишга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, халқимиз орасида ҳуқуқий саводхонлик даражасини кўтаришга, демократик институтларни шакллантиришга ҳисса қўшишга улкан рағбатни туйдим.

Маърузанинг қувонтирган жиҳатларидан бири бу судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бўлди. Бундан буён ҳам, шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида туриши ҳамда билдирилган таклифларни амалиётга жорий этишни назарда тутадиган қонун лойиҳасини Олий суд, Судьялар Олий Кенгаши, Адлия вазирлигига уч ой муддатда киритиш вазифаси қўйилгани бўлди.

Мурожаатнома ўзининг мазмун-моҳиятига кўра мамлакатимизда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганининг яққол исботи бўлди.

Сайёра ФАЙЗИЕВА, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасида иқтисодиётдаги ижобий натижалар ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратиши таъкидланди. Демак, буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт.

Бунинг учун, энг аввало, ишсизлар сонини камайтириш, одамларга томорқаларидан, бўш ётган жойлардан самарали фойдаланишни ўргатиш зарур. Фуқароларнинг меҳнатга бўлган лаёқатини ошириш, бизнесга оид билимларини юксалтириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лозим.

Шунчаки қоғоз қоралаш, рақамларни кўпайтириш учун эмас, чинакамига, виждонимиз олдида ҳисобдор бўлишимиз талаб этилади. Чунки одамлар оқни қорадан, ростни ёлғондан фарқлай олади. Уларнинг ишончини оқлаш, кичик умидини катта ташаббусга айлантириш асосий мақсадимиз бўлмас экан, депутатликни ҳам, раҳбарликни ҳам ҳеч кимга нафи йўқ. Ислоҳотни ўзимиздан бошлашимиз керак. Камчиликни кўрдикми, ечими ҳақида бош қотириш, ноҳақликни кўрдикми, ҳақиқат учун курашишимиз лозим.

Мурожаатномада депутатлар халқ қабулхоналаридаги муаммоларни ўрганиши ва мутасаддилар билан бирга уларни ҳал этиши кераклиги алоҳида урғуланди. Андишали ўзбек халқи бирор эшикни ҳеч қачон бекорчиликдан тақиллатмайди. Муаммога ечим излайди, чора топишга уринади. Натижа бўлмагач, тегишли тартибда юқори ташкилотларга мурожаат этади, шикоят аризаси йўллайди. Фуқароларни ўйлантираётган ҳар бир масалани атрофлича ўрганиш, ечим топиш эса биз, депутатлар ҳамда мутасаддиларнинг бурчи саналади.

Жамиятда ҳамма тенг экани, ҳар бир шахсга Ўзбекистон фуқароси деган ягона ва мутлақ мақом берилганини ҳамиша ёдда тутишимиз лозим. Ҳозир ўтирган ўрнимиз абадий эмаслиги, эртага лавозимдан тушгач, одамлар орасида бемалол бош кўтариб юра олишимиз учун ҳам вазифамизни ҳалол ва виждонан бажаришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Биз демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари борамиз.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари ёзиб олди

Шуҳрат АҲМЕДОВ, Пискент тумани ҳокими:

– Юртдошларимиз Президентимизнинг тарихий Мурожаатномасида қайд этилган янги фикрлар, қатъий хулосалар таассуроти, шукуҳи билан яшамоқда.

Мурожаатномадан ўрин олган ҳар бир жиҳат юзасидан атрофлича муҳокамалар ўтказиб, ўзимизга дастурий вазифалар белгилаб олиб, ийл мобайнида ишни шу асосда ташкил этиш ниятидамиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янгиланиш ва эркинлашув жараёнлари ҳақидаги ҳаққоний ва ҳаётий талаб ҳамда таклифлар илгари сурилгани кўплар қатори пискентлик деҳқону миришкорларимизни ҳам бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Шу билан бирга, ўртага ташланган муаммоларнинг долзарблигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий жараёнларнинг чамбарчас тарзда шиддат билан ривожланиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, айни дамда халқимиз қалбидаги маърифат чироқларини янада кучлироқ нур сочишига ўз ҳиссамизни қўшиш, келажак авлодларда таҳлилий-иқтисодий, замонга мос равишда фикрлашни ўстиришимиз энг устувор вазифамиздир.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Чиндан ҳам, олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Мурожаатда тиббиёт ходимларининг мавқеини ўқитувчиларникидек ошириш, олий таълимга қабул квоталари, давлат грантини 2 баробарга оширилиши ҳамда олий таълимни 6 йўналиш бўйича 3 йиллик этиб белгиланиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш борасидаги фикр-мулоҳазалар оддий одамларнинг дилидаги орзуларини акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари айни вақтда одамларни ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиши шартлиги, бу борада асослантирилган аниқ таклифларини бериб бориши қатор масалаларнинг ечими топилишида кўмаклашиши тўғрисидаги фикрлари энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларига ҳам катта масъулият юклайди. Айни пайтда бу даъват касаба уюшмалари ташкилотларини янада фаолроқ бўлиб, янги-янги ташаббуслар кўрсатиб, қатъият билан ишлашга ундайди.

Кези келганда муҳим бир гапни айтиб ўтмасак бўлмайди. Бугун жамоатчилик назорати қайсидир амалдорга ёқмаслиги мумкин. Бироқ, истаймизми-йўқми, одамларни эшитмаслик, уларнинг фикрига қулоқ солмасликнинг сира иложи йўқ. Оддий одамлар учун эшикларни ёпиб оладиган давр аллақачон ўтди. Халқимизда "Маслаҳатли тўй тарқамас", деган мақол бежиз айтилмаган. Шу маънода, бугун жамоатчилик назорати ижтимоий-иқтисодий жабҳаларга оид ўта муҳим масалаларни самарали ҳал этиш, бу борадаги қарорларни қабул қилишда беқиёс аҳамият касб этади.

Президентимизнинг бу борадаги фикрларини бир мушоҳада юритиб, уларни ҳаётимизга татбиқ этилишини тасаввур қилиб кўрсак, айни пайтда учраётган жуда кўп муаммоларнинг илдизига кириб борамиз. Ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиб борилишидан эришилган натижаларни бир эсланг.

Шу маънода, Президентимиз томонидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида таклиф билдирилгани ниҳоятда ўринли бўлди.

Мурожаатномада яна бир ўта долзарб масала кўтарилгани юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг юрагига кириб борди. Кўча-кўйда, ижтимоий тармоқларда, одамлар орасида шу ҳақдаги мунозара, фикр ва муносабатлар тўхтамаяпти. Бу, албатта, мамлакатимиз тарихида илк маротаба камбағаллик ҳақида олий даражадаги минбарда ростмана фикр юритилганидир.

Президентимиз шу ҳақда сўз юритар экан, мамлакатимиздаги камбағаллик даражаси 12-15 фоиз атрофида эканини маълум қилди. Энг қизиғи, бу ҳақдаги маълумотлардан хабардор биронта раҳбар бу хусусда лом-мим демаган эди. Айни шу ҳақиқатга тик боқиш, ҳеч нимани яширмасдан гапириш учун, албатта, инсондан жуда катта жасорат ва мардлик талаб қилинади. Умуман олганда, ўз халқини севган, ҳақиқий ватанпарвар инсонгина мавжуд вазиятни тан олиб, уни ўзгартиришга қаттиқ ҳаракат қилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу долзарб масалага эътибор қарата туриб, кам таъминланган аҳоли вакилларини доимий даромад манбаи билан таъминлаш, бу орқали жамиятда камбағалликни камайтиришни энг устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйди. Жумладан, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш орқали камбағаллик муаммосини ҳал қилиб бўлмаслиги, бу муаммони тўла ечиш учун аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсонларнинг ички салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Айни мақсадларда Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури ва бошқа халқаро институтлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш таклифи киритилгани чинакам мардона иш бўлди.

Муражаатномани диққат билан тинглаган ҳар бир инсон Президентимиз чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳолининг етарли даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтариш борасида белгилаб берган вазифаларига хайрихоҳ бўлиши турган гап. Боиси, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар қандай қадам бу ойдин ва бахтли ҳаёт сари ташланган одимдир.

Бу борадаги хайрли ишлар жойларда бўлгани каби вилоятимизда ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Кези келганда айтиб ўтсак бўлар – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан оғир турмуш шароитида яшаётган кўплаб хотин-қизларимизга амалий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда мазкур йўналишдаги ишларни чекка қишлоқларимизда ҳам давом эттириб, ижтимоий-иқтисодий ва маиший шароитларини янада яхшилаш йўналишидаги ишларимизни кучайтирамиз.

Фахр билан айтиш мумкинки, Мурожаатнома халқимизнинг ойдин келажакка интилиш, унга эришишга бўлган ишончини яна бир карра мустаҳкамлаб қўйди. Маърузада шу юртнинг ҳар бир фуқаросини Ватанимизни кўз қорачиғидек ардоқлаб, уни юрак-юракдан севиб, жамиятимизда ҳукм сураётган дўстлик, биродарликни, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга ундовчи ўтли даъват бор.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тизимидаги барча ходимлар Юртбошимиз Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда яқдил бўлиб, ислоҳотлар самарали кечишида ҳар бир фуқаро ўз меҳнати билан муносиб ҳисса қўшишига кўмаклашиш йўлида барча имкониятларни ишга солади. Зеро, Мурожаатномада таъкидланганидек, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, ижобат бўлади.

Муроджон НОСИРОВ, Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

ЕТАКЧИ ЁШЛАР ФОРУМИ

Зангиота туманида жойлашган Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмда Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисм ва муассасалардаги ёшлар етакчиларининг II форуми бўлиб ўтди.

Муқаддас бурч

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда вилоят маданият бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган форумда ҳарбий қисм ва муассасаларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бошланғич ташкилотлар етакчилари рағбатлантирилди.

– Ҳарбий қисмдаги ёшларнинг нафақат жисмонан кучли бўлиши, балки маънавияти ва тафаккурини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳарбий қисмдаги ёшлар билан ишлаш бўйича бўлим бошлиғи, майор Акобир Нуриллаев. – Бугунги кундаги энг асосий вазифамиз ёшларимизни юртга садоқат руҳида тарбиялашдир.

Тадбирда вилоятдаги ҳарбий қисм ва муассасалардаги бошланғич ташкилот етакчиларининг йиллик ҳисоботлари тингланди ҳамда уларнинг келгусидаги ишлар режаси бўйича таклифлари қабул қилинди.

Форум доирасида етакчилар томонидан ҳарбий соҳага қизиққан ёшлар учун ўқув машғулотлари ташкиллаштирилди. Шунингдек, энг замонавий қурол-аслаҳалар ҳамда ҳарбий техникалар намойиш этилди. Якунда ўтган йил давомида ҳарбий қисм ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшган етакчилар тақдирланди.

Тадбир меҳмонлари ва иштирокчилари учун Куролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёрлари ва эл ардоғидаги санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА САЛМОҚЛИ ҚАДАМ

Энг асосийси, Стратегияда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдонини сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олишни 2018 йилдаги 5 фоиздан 2030 йилда 40 фоизга ошириш вазифаси белгиланди. Ушбу мақсадда, яқин келажакда 2020-2030 йилларга мўлжалланган Сув хўжалигини ривожлантириш Концепциясини қабул қилиш ҳамда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, эндиликда ердан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ ҳокимлар томонидан белгиланмайди. Стратегиядан кўзланган мақсад секторни ўзгартириш, соҳага илғор технологияларни самарали жорий этишга кўмаклашиш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, шунингдек, мамлакат аграр секторини инновациялар ҳисобига етакчи соҳалардан бирига айлантиришдир. Шу билан бирга, Стратегия давлат хизматларининг манбаи сифатида давлатнинг ролини қайта кўриб чиқишга йўналтирилган бўлиб, хусусий фермер ва корхоналар глобал рақобат шароитида гуллаб-яшнаши учун уларни зарур билим, ахборот ва манбалардан фойдаланишларини таъминлаш орқали ушбу ўзгаришларни амалга оширишда муҳим омил вазифасини ўташи аниқ.

Мухтасар айтганда, мазкур ҳужжат стратегик аҳамиятга эга бўлган ривожланиш лойиҳаларининг дастлабкиси ҳисобланади. Стратегия айнан бозор иқтисодиётига мос бўлмаган муаммоларни бартараф этишда катта аҳамият касб этади. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланиши ва гуллаб-яшнашига ёрдам бериши шубҳасиз.

Б. ЮЛДАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори А. СУБАНОВ, Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Бизнинг суҳбат

Пенсия ёшига етган, меҳнат фаолиятини якунлаган ҳар бир инсонни, энг аввало, унга қанча пенсия тайинланиши ўйлантиради. Умуман, ижтимоий таъминотнинг мазкур тури ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Пенсия тизими: ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Таҳририятимизга қилинаётган қўнғироқ ва мурожаатларнинг аксарияти пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Улуғбек Хонхўжаев билан суҳбатимиз шу хусусда кечди.

– Улуғбек Ўткурович, аксарият одамларимиз бир умр қишлоқ жойларида яшаб, қишлоқ хўжалигига таллуқли меҳнат турлари билан шуғулланишади. Айтингчи, улар кексайганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишадими?

– Шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахслар, улар томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида боқилган ёки ушбу хўжаликларда етиштирилган чорвачилик товар маҳсулоти пул ёки натурал шаклда даромад олиш мақсадида сотилган тақдирда улар иш билан банд ҳисобланадилар.

Бу Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелда қабул қилинган "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан, шахсий участкасида 4 сотиҳдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжалигида қорамол мавжудлиги ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади.

Бундай шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларидан олинган маълумотлар асосида туман (шаҳар) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган бадалларни ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш давлат солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

– Қишлоқ хўжалигида турли ишлар билан банд бўлган кишилар пенсия олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этиши керак?

– Аввало, қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида банд бўлган фуқаролар ишлаган йиллари пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига ҳисобланиши учун яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловчилар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари керак. Бундай фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганда туман (шаҳар) давлат солиқ идорасидан шуғулланган фаолият тури тўғрисидаги маълумотномани олиб тақдим этади.

– Уларнинг меҳнат стажи ва иш ҳақи қандай ҳисобга олинади? Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз?

– Қорамол етиштириш ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш билан банд бўлган шахсларга меҳнат стажи ҳисоблашда, календарь йилнинг камида 9 ойи мобайнида:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – бадаллар;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ягона ижтимоий тўлов тўлаган бўлса, пенсия тайинлаш учун иш стажига тўлиқ календарь йил қўшиб ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган шахслар, шунингдек, майдони тўрт сотиҳдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар томонидан:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ягона ижтимоий тўловни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддасида белгиланган миқдор ва муддатларда тўланган тақдирда, қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш ҳамда парранда парваришлаш билан банд бўлиш даврлари қонунга мувофиқ пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари ҳамда майдони 4 сотиҳдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган шахслар тўлайдиган ягона ижтимоий тўлов миқдори ва муддатлари:

" Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари – йилига энг кам иш ҳақининг камида 1 баробари, ҳар йили 1 октябрга қадар;

" 4 сотиҳдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган шахслар – йилига энг кам иш ҳақининг камида 1 баробари, ҳисобот йилида.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, қоидага кўра, нақд пул билан ёки (Халқ банки ёки бошқа тижорат банкидаги ҳисоб рақамларидан) нақдинасиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан, бадаллар тўловчининг яшаш жойидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисоб рақамига тўланади.

Жисмоний шахслар томонидан ўтган йил давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 874,11 миллион сўм миқдорида ягона ижтимоий тўловлар амалга оширилди. Демак, вилоятимиз истиқомат қилувчи қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд шахслар қариганда ва меҳнатга лаёқатини йўқотганда давлат томонидан кафолатланган пенсия олиш мақсадида ҳозирдан ҳаракат қилишмоқда. Албатта, биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Юқорида келтирилган қарорлар мазмунмоҳиятини етказиш мақсадида, телевидение ҳамда матбуотда 51 марта чиқиш қилинди.

Шунингдек, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида жисмоний ва юридик шахслар билан сайёр учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ суҳбатлашди

УЛУҒОЙ АЯ НИМАДАН БЕЗОВТА?

Қадимда боболаримиз инсоннинг исми кўкдан нозил бўлишини таъкидлашган. Шу боис, кўпгина даврларда исмнинг хосияти борасида баҳс-мунозараларга гувоҳ бўламиз. Оҳангарон туманининг сўлим Қорахитой қишлоғида ана шундай исми жисмига монанд одамлар кўп. Улардан бири Улуғой Омоновадир. "Исмимнинг маъносини англаган кунимдан бошлаб, унга муносиб бўлишга интилганман", дейди онахон.

Орамиздаги одамлар

Оҳангарондаги ёшу қари Улуғой аяни яхши танийди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонлар онахоннинг турли даврларда айтган лапарларини ёддан билишади. 1946 йилда туғилган онахон, қарийб 50 йилдан буён туманнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган шахслар сирасига киради. Сабаби, онахон рўзғор юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан ортиб, бир неча йиллар давомида қишлоқ советининг раиси, туман солиқ қўмитасида инспектор вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. Иш фаолияти давомида қишлоқ одамлари билан дилдан суҳбатлашар, уларнинг муаммоларини ўрганар, оғирини енгил қилиш учун тинимсиз елибюгурарди. Буни қишлоқдаги кекса онахону отахонлар яхши эслашади.

Ҳозирги кунда Улуғой Омонова "Илоқ" фольклор-этнографик жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Мазкур жамоа 2018 йил, мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида ташкил этилган. Жамоада ижод қилаётган 10 нафардан зиёд ёшларнинг санъатга иштиёқи баланд. Онахон эса уларни бир мақсад – миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни қуйлаш, жаҳонга тараннум этиш нияти билан бирлаштирди.

Бугунги кунда жамоа иштирокчилари вилоятимизнинг барча байрам тадбирларида ўз чиқишлари билан ихлосмандлар кўнглидан жой олмоқда. Улуғой аянинг мақсади улуғ. Онахон ўзлигимизни, миллийлигимизни ёшлар унутиб юборишидан хавотирда. Шу сабабли, ёшларга қуроқ тикиш, ўрмак улаш, олача тўқиш, жун саваш, урчуқ йигириш, кув пишиш, қурт чекиш каби миллий юмушларимизни ўргатиб келмоқда. Бундай юмушларга қизиқиш билдириб, эшигини тақиллатиб келаётган ёшларнинг сафи кенгаяётганидан онахон мамнун. Нафақадаги ая бир дақиқа ҳам вақтини зоя кетказмайди. Тўрт фарзанди, саккиз набирасини ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

"Яхшидан боғ қолар", деган нақл бежиз айтилмаган. Қаҳрамонимиз "Илоқ" фольклор-этнографик жамоасидаги ёшларга устозлик қилиб, катта боғ яратишга бел боғлаган. Бу боғлар – бир боғлар бўлади ҳали...

Шоира ТЎЛАГАНОВА

Сайёр қабул

Бўка туманида "Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир" мавзуида тадбир ўтказилди.

Республика маҳаллалар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бўка туманидаги Халқ қабулхонаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги тадбирда туманнинг "Ачимайли", "Ачимайли файз-барака", "Даштобод", "Қорақўйли", "Ибрат", "Бешкапа", "Жагалбайли", "Қорақудуқ", "Тошлоқ" ва "Равот" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси иштирок этди.

ИНСОН ҚАДРИ ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Кексалар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда ўзгалар кўмагига муҳтожларга манзилли ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамда вилоят тиббиёт бошқармасининг невролог, оториноларинголог, уролог, офтальмолог, эндокринолог, кардиолог, терапевт каби 17 хил тор мутахассисликдаги малакали шифокорлари жалб этилиб, 530 нафарга яқин фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Аниқланган хасталиклар бўйича 12 турдаги зарурий дори-дармонлар берилди.

Вилоят кўз касалликлари шифохонасининг замонавий офтальмоскоп аппарати ўрнатилган кўчма автобуси орқали 76 нафар фуқаро тиббий текширувдан ўтказилиб, уларга даволаниш ва кўриш қобилиятини яхшилаш бўйича тавсия берилди.

Ҳаракатланиш имконияти чекланган инсонлар ҳам бундай хайрли кўмакдан бебаҳра қолмади. Жумладан, 15 нафар кекса ва ногиронлиги бўлганлар яшаш манзилидан транспорт воситасида олиб келиниб, тиббий кўрикдан ўтказилган бўлса, 12 нафари хонадонида ушбу имкониятдан фойдаланди.

Тадбир доирасида ҳудуд аҳолиси учун сайёр қабул ташкил этилиб, Республика маҳаллалар кенгаши раиси ўринбосари Б. Парпиев, туман ҳокими Б. Ибрагимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси мудири Х. Пўлатхўжаев фуқаролар мурожаатини тинглади.

Сайёр қабулда 25 фуқаронинг турли даражадаги муаммолари жойида ҳал этилди. 5 нафар кишининг мурожаати бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди. 4 нафар эҳтиёжманд фуқарога ногиронлик аравачаси, 3 нафарига бошқа турдаги реабилитация тиббий воситалари берилди. Шунингдек, сектор раҳбарлари томонидан 35 эҳтиёжманд оилага қарийб 10 тонна кўмир бепул тарқатилди. 14 нафар кекса ва фахрий, 12 нафар ногиронлиги бор фуқаро, 13 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага борилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур дори-дармон берилди.

Фуқаролар томонидан кўчаларни ёритиш, йўлларни асфальтлаш, ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, турли давлат органлари мутасадди раҳбарларининг тегишли йўналишдаги фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, "Оила – маҳалла – мактаб" ҳамкорлигини амалий натижаларга йўналтириш каби масалалар кўтарилгани аҳолининг мамлакат ва жамият тақдирига бефарқ эмаслиги, амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик руҳи билан яшаётган юртдошларимиз сони кун сайин ортаётганидан далолат беради, албатта.

Тадбир доирасида, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, иш сўраб мурожаат қилган 85 нафар фуқародан 11 нафарига танлаган иш жойи бўйича йўлланма берилди.

Бундан ташқари, тумандаги агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида Республика маҳаллалар кенгаши раиси ўринбосари Б. Парпиев томонидан тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ҳамда фаоллари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди. Амалий мулоқотда иштирокчиларга Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Аваэбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзА

Эълон

«УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ» ДК

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 2020 йил пахта ҳосилидан уруғлик пахта етиштириш бўйича фермер хўжаликлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда қатнашиш истагини билдирган уруғчилик билан шуғулланувчи корхоналар, МЧЖ ва АЖ ташкилотлари, пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари 2020 йилнинг 29 январидан 29 февралигача бошқармага ҳужжатларини топшириши мумкин.

Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Янги турмуш ҳудуди, Кўтарма кўчаси, 1-уй.

Мўлжал: Ўрта Чирчиқ тумани педагогика касб-ҳунар коллежи биноси ёнида. "Тошкент – Бекобод – Алимкент – Нурафшон" йўллари кесишган чорраҳа.

Мурожаат учун телефонлар:
+99897 420-19-63,
+99898 365-14-15.

Электрон манзил:
toshkent@urugmarkaz.uz,
jajji_1963@mail.ru

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ ХАВФЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНГАНИ РОСТМИ?

"...Болаларни соат 7 дан кейин кўчага чиқарманг. Бугун Оҳангарон шаҳрида 2 та бола: бирини пичоқлаб, иккинчисини юзига, кўзига сигарета босиб, ўлдириб кетилган. Болаларга эҳтиёт бўлинглар. Оҳангарон шаҳри хавфли ҳудуд бўлиб қолди..."

Ана холос!

Сўнгги кунларда шу каби қўрқинчли хабарлар ижтимоий тармоқларда фаол айланиб, кенг муҳокамаларга сабаб бўлди, дея хабар бермоқда ЎзА. Хўш, бу каби хабарлар қанчалик асосли, Оҳангарон шаҳри ҳақиқатан ҳам хавфли ҳудудга айланиб қолганми?

Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси томонидан Ангрен шаҳрида ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида шу каби саволларга аниқлик киритилди.

Ички ишлар тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлаётган ҳолатларга аниқлик киритиб, муносабат билдириш мақсадида ташкил этилган анжуманда вилоят ИИББ биринчи ва иккинчи минтақавий мувофиқлаштириш маркази раҳбарлари, 10 та туман ва шаҳар ИИБ бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда дастлаб, мазкур минтақа бўйича 2019 йил таҳлили, йўл қўйилган камчилик ва эришилган ютуқлар, шунингдек, жорий йил учун белгиланган режа хусусида атрофлича маълумот берилди.

Қайд этилишича, биринчи минтақа ҳудудида умумий жиноятлар 11,6 фоизга камайган. Жумладан, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 47,4, вояга етмаганлар жиноятчилиги эса 60,9 фоизга камайган. Минтақанинг 294 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг 111 тасида умуман жиноят содир этилмаган.

Анжуманда, шунингдек, шу кунларда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама ва турли эътирозларга сабаб бўлаётган болалар ўғирланиши ва шу мазмундаги турли аудио хабарларга аниқлик киритилиб, бундай ҳолат нафақат Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари, балки минтақада йил давомида қайд этилмагани маълум қилинди.

Тадбирда мазкур аудио хабар муаллифларидан бири бўлган фуқаро Ж. Н. ҳам иштирок этди.

– Оҳангарон ва Ангрен шаҳарларида бола ўғирлаш ёки шунга ўхшаш жиноятнинг гувоҳи бўлганим йўқ, – деди у. – Қаердандир эшитиб, шу асосда интернетга тарқатиб юбордим. Бу ишимдан, яъни ўзим гувоҳи бўлмаган, асоссиз хабарни тарқатганимдан жуда афсусдаман. Бу ишим учун барчангиздан узр сўрайман. Тенгдошларим эса бундан хулоса чиқаришини хоҳлардим.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга масъул ходимлар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Пири бадавлатларимиз

ЎРИГИДАН МАҒЗИ ШИРИН

Олмалиқ шаҳри, "Ойдин" маҳалласида истиқомат қилувчи Каримовлар оиласига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Оила бошлиқлари Дилмурод ота ва Саодат аялар 4 фарзандни катта қилиб, ўқитиб, уйли-жойли қилишди. Шунингдек, ўғиллари – Дилшод, Дониёр ва Алишерни спорт соҳасига йўналтириб, бу борада ҳам уларни қўллаб-қувватлашди. Эндиликда бир этак набираларнинг севимли бобою бувижониси бор куч-ғайратларини уларнинг тарбиясига қаратишган.

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

СПОРТ/СПОРТ/СПОРТ

МОСКВАДАН НУРАФШОНГА ҒАЛАБА БИЛАН

Москва шаҳрида Л. И. Максимов хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 2003-2005 йилда туғилган ўсмирлар спортнинг юнонрим кураши бўйича беллашишди.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Тошкент вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тизимидаги Нурафшон шаҳар Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ҳам иштирок этишди.

Кувонарлиси, вилоятимиз ёшлари Сардор Холмирзаев ва Абдулазиз Раҳмонов ўз вазн тоифасида мутлақ ғолиб бўлишди.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ва вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси томонидан Чирчиқ ихтисослаштирилган Олимпия захиралари мактаб-интернатида белбоғли кураш бўйича ўсмирлар ўртасида вилоят турнири ўтказилди.

Мусобақада 60 дан зиёд полвон 7 вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Якунда Фаррух Неъматов мусобақанинг мутлақ ғолиби, дея эътироф этилди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар диплом ва медаллар билан тақдирланди.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарларидан

Фақат йигитлар учун

ЭРКАКЧА ТАРБИЯ ОИЛАДА КЕРАК, МАКТАБДАЧИ?

Оталар, шубҳасиз, тарбиянинг ярми дегани. Хўш, эркак ўқитувчилар нега таълимнинг ярмини ташкил этмаслиги керак?

Менинг ҳаёт тарзим, тиғизу бекор лаҳзаларим доим сўзлар, жумлалар, маънодошлару зид маънолилар ичида кечади. Аввал сўз бор эди ва инсоннинг бу дунёга қолдириб кетажаги ҳам сўз бўлади деган ишончим бор, аммо шунча сўз ичида мен ишлатмаган, қоғоз юзига ёзмаган бир калима ўзининг мавжудлигидан хабар бериб турaверади: Ота.

Дадам ҳарбий эди ва ҳозир истеъфога чиққан. Орамизда бир чегара, бир чеклов бор. Балки бу қадриятларга, балки руҳиятга боғлиқдир. Ҳар ҳолда, биз дада деган сўзнинг ёнига доим "ишда" деган қўшимчани қўшиб гапирардик.

Канадалик романнавис Маргрет Этвуд ўз китобларидан бирида шундай ёзади: "Кундузлари оталар кўринмас одамга айланадилар. Кундуз оналарнинг кўриниш бергич замонидир. Оталарнинг кучи кеч тушганда, ишдан қайтиш маҳали кўзга ташланади. Билмадим, эҳтимол бу туннинг аллақандай мавҳум хавфлар келиши мумкин бўлган пайт ва инсонга оталик мақоми ҳимоячилик мартабасини юклагани учун шундай деб ўйларман..."

Биз болалигимиздан ота елкасига эҳтиёж сезиб улғаямиз. Ҳатто бу елкалар бизни ақлимизни танигандан бери опичламаган бўлсада.

Ота баъзан яралиш манбаси, баъзан эса жазо машинасига айланиши мумкин. Биз бу "баъзан"ларнинг барини бир жойга тўплаб, "тарбия" деган номни қўямиз ва бу номни истеҳкомга айлантириб, атрофига "ўзбекчилик" деворларини тиклаймиз. Гап аслида бунда ҳам эмас. Ота, умуман, эркак тарбияси айнан бугун бола тарбиясида нечоғлик ўринга эга – шудир масала!

Ижтимоий тармоқларда шундай бир видео кўрдим – мактаб болалари қандайдир оғир шумлик қилишаётганди. Жуда оғир. Видео тагига эса бир неча киши бундай бебошликларни мактабларда эркак ўқитувчининг, эркакча тарбиянинг йўқлигига боғлаган. Ўйладим... Ўйлаш асносида хотирладим: мен ўқиган мактабда ҳам, коллежда ҳам эркак ўқитувчилар фақат жисмоний тарбия, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, касбий фанлар (дурадгорлик, компьютер ва авто таъмири), ана, нари борса, аниқ фанлардан дарс беришарди. Энг эсимда қолгани, катта синфга ўтгач меҳнат дарси иккига бўлиб ўқитиларди: болалар ва қизлар. Болалару қизлар аралашнариги гуруҳ тикиш-бичишни ўрганса, бизнинг гуруҳ яна бир ўқитувчи опамиз бошчилигида қутичалар, майда электрон жиҳозчалар ясашни "ўрганардик". Ҳарҳолда, зерикмаганмиз.

Нуқул аёл ўқитувчилар дарсида ўтиравергач, эркак устозлар ўз дарсида бир оз тарбия бермоқчи бўлса, биз уни маданиятсиз, педагогика қоидаларини билмайдиган оми, умумий қилиб айтганда, тўқимтабиат деб ўйлардик. Бу улкан хато эди.

Мактабларда эркак ўқитувчилар камайиб кетаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Сўзимизни оталар ҳақида бошлагандик. Оталар, шубҳасиз, тарбиянинг ярми дегани. Хўш, эркак ўқитувчилар нега таълимнинг ярмини ташкил этмаслиги керак? Агар булар ҳақиқат бўлса, биз – эркакча таълимни кемтик олган авлод... чала маълумотли бўлиб чиқамизми?

Инсон ота елкасига қанчалик эҳтиёж туйса, оталарча дарсга ҳам шу қадар эҳтиёж сезади. Бир даврада дўстлардан сўрадим: отангиз билан ёйилиб гаплаша оласизми? Мана, ўтиш давридамиз. Отангизга балоғат аломатларидан, дейлик, соқолни қандай олиш ҳақида ҳеч сўз очганмисиз ё очишни ўйлаганмисиз? Жўралар жим эди. Кимдир айнан бу мавзуда гаплашмаганмиз, лекин, гаплашиб турамиз деди. Кимдир умуман гаплашмайман, деди. Бошқаси отам билан нимадир ёмон иш қилиб қўйсамгина "мажлис" қиламиз, дея хўрсиниб қўйди. Сизга яна савол бергим йўқ.

Оталар, боя айтганимдек кун бўйи рўзғор тебратиш илинжида кўчада бўлишлари бор гап. Авлодлар эса ҳеч йўқ мактабда, таълимга қўшиб эркакча тарбия ҳам олишлари керак.

Эркакча таълимнинг қандай бўлишини қай даражада ўзлаштирганмиз, билмадиму, аммо бусиз таълимнинг аҳволи қай даражага тушиб қолишидан хабарим бор. Биз, айнан ҳозир сўз бораётган муаммо ва камчиликлар урчиганда, ўқитувчилик эркакнинг иши эмас, деган бир ўта бемаъни тушунча шаклланиб қолган даврда таълим олдик. Энди ижтимоий тармоқларда йигитларга нима бўлаяпти, дея нолишга ҳаққимиз бормикан?

Таълимдаги гендер тенглиги хусусида финляндиялик педагог дўстим Элимайя Сео шундай дейди: "Эркаклар болаларга тажриба орттиришни, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини сабот билан тута билишни, асосийси, кечирасиз, бу менга тўғри келмайди, дея олишни ўргатадилар. Аёл педагоглар эса, ўз ўрнида болани таълим жараёнида ҳиссиётлар билан ишлашни, ички муносабат, ўз-ўзини англай билишнинг сирларидан бохабар этадилар. Бундан келиб чиқадики, эркаклар ўқувчига рационал, аёл устозлар эса иррационал таълим берадилар".

Эслатиб ўтаман, бугунги кунда фин таълими дунё рейтингида энг олди ўринларни банд этиб турибди.

Ўзбек фақат бир миллатнинг номинигина билдиргувчи атама эмас. Бу туғилганиданоқ урф-одатлар, қадрияту тушунчалар ва энг асосийси, наслий ўзгаришларга қарамай ўзини ушлаб турган одатлар билан улғайган авлод ҳам демакдир. Бу авлоднинг баркамоллигида, нафақат тарбиявий, балки маърифий жиҳатдан ҳам юксак даражаларга эришишида устознинг ўрни беқиёс. Эҳтимол бизга болага ҳарф ўргатаётган муаллима ҳайкали ёнида ҳеч йўқ бир забардаст устознинг бюсти ҳам керакдир?

Оталаримиз... ва уларнинг оталари. Устозларимиз... ва уларнинг устозлари. Бугун авлодлар алмашинуви кетаётган бир пайтда таълимга ҳам ўзгача руҳ олиб кириш пайти келмадимикан? Оталар ўз оталаридан томирларида муқаддас бурч туйғусини мерос қилиб оладилар. Устозлар эса ўз устозларидан маърифат хазиналарининг калитини қабул қиладилар. Бу олди-берди удумига қилдек дарз тушдими, тамом. Келажак даҳоларидан "Биз завол топган авлодлардан эдик", деган икрорни кутаверишингиз мумкин.

Эркаклар болаларга тажриба орттиришни, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини сабот билан тута билишни, асосийси, кечирасиз, бу менга тўғри келмайди, дея олишни ўргатадилар.

Бобом қирқ йил маҳалламиз мактабида бошланғич синфларга дарс бердилар. Тўрт қизлари ҳам бугун педагогика соҳасида фаолият юритади. Бобомдан сабрни, тинглай олиш қобилиятини, тушуниш ва тушунтириш санъатини ўргандим ё ўрганишга ҳаракат қилдим. Мен ким бўлдим, нима бўлдим, буни билмайман, аммо бобомни бутун Чиноз Деҳқонбой домла деб алқайди.

Каттами-кичикми, ҳар кишининг бир ота елкасига эҳтиёжи бор. Мана, биз эркак таълимини олмадик, ўлиб қолганимиз йўқ, дейишлари мумкин, аммо кимдир ёзганидек... қафасда туғилган қушлар эркин учмоқ завқини қайдан билсинлар?

Мирзоҳид МУЗАФФАР

Дарвоқе

Африкалик савдогар олмос тош сотиб олди. Ҳажми тухумнинг сариғидек эди. Аммо, унинг камчилиги бор эди. Ўртасига дарз етганди. Бу нарса эса унинг гўзаллиги ва қийматига путур етказарди. У заргарнинг ёнига мадад сўраб борди. Заргар уни айлантириб кўриб:

– Агар буни шу дарз кетган жойидан тенг иккига бўлинса, қиймати бутун ҳолатидагидан кўра қимматроқ бўлади. Аммо, бу иш менинг қўлимдан келмайди. Олмос-

ЖУРЪАТ ВА ҚИЙМАТ

ни бўлиш осон эмас. Салгина нотўғри зарбадан парчаланиб кетиши мумкин, – деди.

Савдогар унинг олдидан чиқиб заргар излай бошлади. Қайси бирига кўрсатмасин, бу ишни қилишдан бош тортиб, қимматбаҳо тошга қўл теккизишдан қўрқишар эди.

Савдогар охири Амстердам шаҳридаги тажрибали, моҳир заргарни топди. Лекин, у ҳам бошқа ҳамкасбларининг гапини такрорлади. Аммо, савдогарнинг сабри тугаган, ҳеч қандай гап-сўзни эшитгиси келмасди.

Дўконнинг бир бурчагида ёшгина йигит уларга орқа ўгириб, ишлаб ўтирарди. Заргар уни чақирди ва тошни бериб:

– Буни иккига бўлиб кел! – деди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай шогирди икки бўлак гўзал тошни заргарнинг кафтига қўйди.

Савдогар ҳангу манг бўлиб, заргарга деди:

– Қандай яхши, шундоқ азамат, тажрибали шогирдингиз бор экан.

Заргар деди:

– Бу йигитнинг шогирд тушганига эндигина уч кун бўлди. Агар у бу тошнинг қийматини билганида эди, ҳеч қачон уни иккига бўла олмасди.

Манба: ижтимоий тармоқ

Моҳият

ЎЛСАМ... БОЛАЛАРГА ҚОЛМАСА ЎЛИМ!..

(Ёзувчининг ҳаёт билан видолашув мактуби)

Габриэль Гарсиа МАРКЕС, Нобель мукофоти соҳиби, колумбиялик адиб



Бордию Раббим бир лаҳзага бўлсин мени унутганида эди, камина шу кунга қадар ҳатто ўйлашга ҳам ботинолмаган фикрларимни таҳлил қилиб, уларни сизга бемалол очиқлардим. Ашёларнинг моддиятига эмас, балки уларнинг моҳиятига эътибор қаратган бўлардим, оз ухлаб кўп туш кўриб, уйқумнинг ҳар дақиқасида олтмиш сония нурдан мосуво эканимни ҳис қилиб турардим.

Бир нарсани англадим: инсон севмай қолган кунидан қарий бошлар экан. Шу ҳикматнинг мағзини эртароқ чаққанимда эди, ҳамма тўхтаган пайтда ҳам ҳаракатланишга ўзимда куч топган бўлардим. Уйғоқ бўлар эдим ҳамма ухлаётганда...

Ўзгалар суҳбатини тинглашни ўрганиб, шоколадли музқаймоқдан завқ олишга бутун хонумоним билан жаҳд этардим. Агар... агар Яратган фақирингизга яна бир оз... ишонинг, бир оз умр туҳфа қилганида эди, мен юпун кийинган, қуёшга юз бурган ва нафақат вужудимни, балки руҳимни ҳам буткул озод этиб яланғоч қолдирган бўлардим. Ё Худойим, яна бир қалбим бўлсайдики, унинг сувайдосида пинҳон тутганим – муқаддас гавҳарни зангор музликларнинг саҳнига қўяр ва унга офтоб ўз шуъларини тўкишини кутган бўлардим. Кўк юзидаги Ойни, юлдузлару Ван Гог чизган суратларни томоша қилардим, Бенедетти шеърларини ўқирдим ва серенадалар куйлардим. Кўзёшларим ила дала гулларини суғорган ва тиканларнинг ўткир тиғларини нафасларим ила ҳис қилганча қай бир жоннинг дудоқларидек қирмизи атиргулларни лабларимни куйдириб ўпган бўлардим. Қодир эгам, фақат бир нафаслик умр берсайдинг...

Бу кун тугаб битмасидан яқинларимга уларни беҳад севишимни айтмоғим керак. Атрофимдаги барча эркагу аёлларга сиз менинг энг яқин инсонимсиз, деб меҳримни изҳор этардим... Ва муҳаббат ичра яшардим фақат. Эркакларга кексайгач, севгини кераксиз буюмдай ит-қитишлари нақадар бебурдлик эканини, улар шу кўйи ўзларини, ўз қалбларини ҳам зулмат ботқоғига улоқтираётганларини ҳам англатган бўлардим. Болаларга қанот берардим, аммо учмоқни ўзингиз мустақил ўрганинг, дердим уларга. Эҳ, ўлсам ҳам шундай ўлсамки, ўлим қолмаса болаларга...

Кексаларга эса ўлим қарилик эмас, унутилиш либосида ташриф буюришидан хабар берардим. Эй одамлар, сизлардан шунча нарса ўргандим, энди уларни ўзингизга қайтиб бермоғим даркор.

Янги туғилган чақалоқ отасининг бармоғини илк бор сиқаркан, у учун отасининг бағри коинотдек кўринишини, умуман, жуда кўп нарсаларни билдим умр бўйи. Рост, менга кўп нарса ўргатдинглар, аммо... энди буларнинг менга не фойдаси бор? Чунки, барча билганларимни бу дунёда қолдириб кетажагим хотиралар қутичасига солиб, устидан қулфлаб қўйдим. Шу қадар иложсиз, шу қадар ожиз...

Энди ўлсам бўлар?!

Инглиз тилидан Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ таржимаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ

Буюртма Г-143. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 10 985 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5 6